


Оролбўйи минтақасини ўрмонзорлаштиришнинг аҳоли саломатлиги ва экологияни барқарорлаштиришдаги ўрни

Орол денгизининг қуриши XX асрнинг энг йирик экологик фалокатларидан бири сифатида қайд этилади. Марказий Осиё ҳудудида жойлашган бу денгиз илгари дунёдаги энг катта ички сув ҳавзаларидан бири бўлган. Бироқ, инсон фаолияти, айниқса, нотўғри сув сиёсати натижасида унинг ҳажми кескин камайиб, жиддий экологик, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни келтириб чиқарди.



Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази томонидан **Оролбўйи минтақасини ўрмонзорлаштиришнинг аҳоли саломатлиги ва экологияни барқарорлаштиришдаги ўрни ўрганилди.**

Орол денгизи муаммосини ҳал қилишда минтақа давлатлари ва халқаро ташкилотлар томонидан қатор ташаббуслар, Ўзбекистон томонидан эса Оролбўйи ҳудудини тиклаш ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Оролбўйи экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилинган. Қуриган денгиз тубида кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш ва халқаро ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган муҳим лойиҳалар илгари сурилган.

Мазкур ташаббуслар нафақат миллий, балки глобал миқёсда ҳам катта аҳамият касб этиб, Орол денгизи фалокатини юмшатиш ва барқарор ривожланишни таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлиб хизмат қилмоқда.

Орол денгизининг қуриши минтақанинг табиий муҳити, иқтисодиётига, аҳоли ҳаётига жиддий таъсир кўрсатди. Ҳозирги кунда денгизнинг Шарқий қисми тўлиқ қуриб, сув денгизнинг ғарбий қисмида қисман сақланиб қолган.

Жаҳон банки экспертларига кўра, ҳар йили Оролқумдаги қум ва чанг бўронлари келгуси 20 йилда минтақага 840 млн доллардан кўпроқ зарар келтириши мумкин. Ҳудудда ҳар йили 15-75 млн тонна қум, чанг ва тузлар, пестицид ва минерал ўғитлар қолдиқларини ўз ичига олган зарарли моддалар ҳавога кўтарилмоқда.

Қорақалпоғистонда сўнгги йилларда аксарият туманларда ер ости суви сатҳи пасайиб, сув танқислиги ҳам кузатилмоқда.

Бундан ташқари, суғориладиган ерларнинг шўрланганлик даражаси ҳам юқориликча қолмоқда: 2020 йилда ерларнинг шўрланганлик даражаси **70,5 %** ни ташкил қилган бўлса, 2021 йилда бу рақам **70,9 %**, 2022 йилда – **71,2 %**, 2023 йилда – **71,2 %**, 2024 йилда – **70,6 %**, 2025 йилда – **63,6 %** бўлган.

2018 йилдан бошлаб Оролбўйи минтақасида ўрмонзорлар барпо этиш ишлари бошланди. Ҳозирги кунда ўрмонзорларнинг майдони **2,1 млн гектарга** етказилди. Ушбу жараёнда барқарор яшил қоплам яратиш учун интердисциплинар ёндашув, инновацион агротехник усуллар қўлланилмоқда. Бу ёндашув Оролқумда функционал ва барқарор экотизимларни тиклаш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги фармони билан тасдиқланган “**Ўзбекистон – 2030**” стратегиясида Орол денгизининг қуриган тубида ва Оролбўйи (Хоразм, Бухоро, Навоий) ҳамда бошқа чўл ҳудудлар (Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё)да қўшимча **1,3 млн** гектар майдонда “яшил қопламалар” барпо этиш кўзда тутилган.

Оролбўйи ҳудудида тизимли амалга оширилаётган кенг кўламли ўрмонзорлаштириш ишлари аҳолининг саломатлигини яхшилашга, экологик ҳолатни барқарорлаштиришга хизмат қилмоқда.

Орол денгизининг қуриган тубида саксовул ва бошқа чўл ўсимликларини экиш ишлари амалга оширилиши натижасида шамол орқали тарқаладиган туз ва чанг зарралари миқдори камайиб, атмосфера ҳавоси сифатининг яхшиланиб, аҳоли саломатлигига ижобий таъсир кўрсатишни бошлаган.



2017-2024 йилларда қайд этилган касалликлар динамикаси таҳлил қилинганда, умумий ҳолатда касалланиш кўрсаткичларида пасайиш кузатилган. Жумладан, **жами ҳисобга олинган касалликлар сони** 2017 йилда **865,7 мингни** ташкил этган бўлса, 2024 йилда **697,3 мингни** ташкил этиб, деярли **20% га пасайган** (1-диаграмма).

1-диаграмма



Айрим касалликлар бўйича ҳам барқарор пасайиш кузатилмоқда. Айниқса, экологик ҳолат билан бевосита боғлиқ ҳисобланган **нафас олиш аъзолари касалликлари** сезиларли даражада камайган. Ушбу касалликлар 2017 йилдаги **325,2 мингдан** 2024 йилда **218,9 мингга** тушиб, **32,7 %га камайган** (2-диаграмма).

2-диаграмма



Шунингдек, ҳисобот даврида сийдик-таносил тизими касалликлари 78 мингдан 41 мингга тушган (47,4 %га камайган). Овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари ҳам камайган: 92,5 мингдан 74,9 мингга тушиб, **19,1 %га камайган** (3-диаграмма).

3-диаграмма



Ҳозирда Қорақалпоғистон Республикасида атмосферага чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар миқдори ҳам сезиларли даражада камайган. Агар 2017 йилда ўртача **37,7 минг тонна** зарарли моддалар ҳавога кўтарилган бўлса, 2024 йилга келиб, бу кўрсаткич **10,5 минг тоннани** ташкил қилган (72 %га камайган).

Денгизнинг қуриган тубида “яшил қопламалар”нинг барпо этилиши натижасида Қорақалпоғистон Республикасида флора ва фаунанинг био хилма-хиллиги бироз ортган (0,5% га), сут эмизувчилар турлари ҳам нисбатан кўпайган (0,2 %), ҳашаротлар турларининг ҳам кенг тарқалиши аниқланган.

Шунингдек, ҳаво сифатининг бироз яхшилангани кузатилмоқда. Жумладан, ҳаводаги чанг миқдори 2018 йил 0,59 мг/м³ ни ташкил этган бўлса, 2025 йилда 0,54 мг/м³ бўлган.

Экспертларга кўра, Орол тубини яшиллаштириш масаласи Давлат сиёсати даражасига олиб чиқилиб, кенг кўламли ўрмонзорлаштириш ишлари амалга оширилиши, шамол орқали тарқаладиган туз-чанг заррачаларининг камайиши ҳамда турли касалликлар бўйича қабул қилинган Скрининг дастурлар аҳоли орасида касалланиш даражасини пасайтиришга имкон берган.

Экологиянинг яхшиланиши ҳудудга кўчиб келувчилар сонига, шаҳар ва овуллардаги аҳоли кайфиятига, уларнинг иқтисодий фаоллигига ҳам ижобий таъсир қилган.

Сўнгги уч йилда минтақада аҳолининг муқимлашиши ва кўчиб келиш оқимининг изчил ортиши кузатилмоқда. Миллий статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Оролбўйи ҳудудларида экологик вазиятнинг яхшиланиши аҳолининг яшаш жойларини тарк этишини камайтириб, ҳудудий жозибаторликни оширган.

Жумладан, 2023 йилда **Нукус шаҳрига** 2,8 минг киши кўчиб келган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич қарийб 4,7 минг нафарни ташкил этган. **Нукус** туманига кўчиб келганлар 966 нафардан 1 041 нафарга, **Амударё** туманида 522 нафардан 838 нафарга, **Тўрткўл** туманида 518 нафардан 923 нафаргача, **Беруний** туманида 378 нафардан 871 нафарга ошган.

Қўнғирот туманида хорижга кўчиб кетувчилар сонининг 2023 йилдаги 800 нафардан 2025 йилда 516 нафаргача камайган.

2025 йилда **Мўйноққа** 168 нафар, **Қораўзакка** эса 112 нафар аҳоли кўчиб келгани аниқланган.

Қорақалпоғистон **иқтисодиётининг айрим соҳаларида** ҳам ўсиш суръатлари кузатилганлигини кўриш мумкин. Мутахассисларга кўра, Оролнинг қуриган тубидаги ўрмонзорларнинг кенгайтириб борилиши, чорвачилик учун янги яйловлар ва асаларичилик учун шароитларнинг яратилиши ҳам ўзига хос равишда ижобий натижага эга бўлмоқда.

Буни ҳудудда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг 2017-2025 йилларда 4,8 трлн сўмдан 17,9 трлн сўмгача (3,7 бараварга) ошганида ҳам кўриш мумкин. Соҳада барқарор ўсиш суръатлари сақланиб қолмоқда.

Агар дастлабки йилларда йиллик ўсиш суръати ўртача 1,6 трлн сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилдан бошлаб бу кўрсаткич йилига 2,1 трлн сўмгача жадаллашган. Бу динамика аграр соҳада маҳсулдорлик ва ердан фойдаланиш самарадорлиги изчил ошиб бораётганидан далолат беради.

Шунингдек, тадбиркорлик соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар динамикаси кузатилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасида кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2017–2025 йиллар оралиғида 11 мингтадан 26,3 мингтага кўпайган. Жараёнда энг фаол ўсиш босқичи 2019–2023 йилларга тўғри келган ҳамда ҳар йили тадбиркорлик субъектлари сони ўртача 3,3 мингтага ошган.

Ўрганишлар натижасига кўра, иқтисодий юксалиш суръатлари айниқса 2024–2025 йилларда кескин фаоллашиб, жами кўрсаткичнинг қарийб **40 фоизи** айнан шу охиригича икки йил ҳиссасига тўғри келган.

Таъкидлаш керак, Қорақалпоғистонда экологик ҳолатнинг яхшиланиши ва бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳада ижобий факторларнинг яратилиши натижасида ҳудудга тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритиш ҳажмига ҳам ижобий таъсир ўтказган.

Хусусан, 2019 йилда ҳудудга **6,5 млн долларга** тенг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган бўлса, 2024 йилда бу рақам **221 млн**, 2025 йилда эса **478 млн** долларни ташкил қилган. Инвестиция киритаётган давлатлар 2019 йил **1 тани** ташкил этган бўлса, 2026 йил **1** чоракнинг ўзида **38 тага** етган.

Экспертлар фикрича, давлат томонидан Қорақалпоғистон учун яратилаётган молиявий имкониятлар, солиқ тизимидаги енгиликлар, чет эл инвесторларига яратилаётган шароит ва имтиёзлар, ҳудудни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон вилоятларининг ҳар бир туманга бириктирилиши кабилар Қорақалпоғистоннинг ҳар томонлама тараққий топишига асос бўлмоқда.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, суви камайиб бораётган кўллар атрофини, чўллашиб бораётган ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, уларнинг экологик ҳолатини барқарорлаштиришда қатор усуллардан фойдаланилмоқда.

Масалан, **Хитой** 1978 йилдан бери амалга ошириб келаётган “Буюк яшил девор” (*Three-North Shelter Forest Program*) лойиҳаси доирасида узунлиги 4,5 минг км бўлган Гоби чўлини жиловлаш учун миллионлаб дарахтлар ва ниҳолларни экишда давом этмоқда. Ўсимликларни қум босиб қолмаслиги ва ундан тўсиш учун қамишлардан тайёрланган махсус тўрлар билан уларни ўраб қўйилмоқда. Намликни сақлаш мақсадида, ўсимликларни томчилаб суғориш, “уруғли тупроқ”–бактериялар ва сув ўтлари аралашмасини қумга аралаштириб, қумнинг унумдор қатламини ҳосил қилиб, биотехнология усуллари қўлланилмоқда.

Натижада Му-ус чўлининг 30 фоизгача қисми воҳага айлантирилган. Синьцзяндаги Аксу ҳудудининг 80 минг гектар ерига 14 млн дарахт экилиб яшиллаштирилган.

Саудия Арабистонида “Saudi Green Initiative” лойиҳасига асосан 40 млн гектар чўл ҳудуднинг деградацияга учраган ва қумга айланиб қолган қисмида 10 млрд қуруқликка чидамли кўп йиллик дарахтлар (*тамариск, жузғун-кандим, туяқорин, курмак*) экилмоқда. Мамлакат сувни тозалашда микроорганизмлардан фойдаланиш, қумга ҳар хил ўғитларни аралаштириш усуллари орқали чўллашган ердан унумли фойдаланишга эришмоқда.

Исроилда ўрмонзорлаштириш ишлари тизимли равишда йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунга қадар 250 минг гектардан зиёд ҳудудда 240 млндан ортиқ дарахт экилган.

Айниқса, Негев чўлида амалга оширилган “Yatir Forest” лойиҳаси 30 минг гектарга яқин майдонни қамраб олган бўлиб, у дунёдаги энг йирик сунъий чўл ўрмонларидан бири ҳисобланади. Ушбу лойиҳа доирасида атмосферадан карбонат ангидридни ютиш, шамол эрозиясини камайтириш ва маҳаллий иқлимни юмшатишга эришилган.

Эфиопияда 2019 йилдан бошлаб амалга оширилаётган “Яшил мерос” ташаббуси (*“Green Legacy Initiative”*) дастури доирасида бир кунда 350 млн тупдан ортиқ дарахт экиш орқали жаҳон рекорди ўрнатилган, умумий экилган кўчатлар сони 32 млрд тупдан ошган. Ушбу кўрсаткичлар мамлакатда ўрмонзорлаштириш ишлари фақат режа эмас, балки оммавий ҳаракатга айланганини кўрсатмоқда.

Мамлакатда ер деградациясини тўхтатишда қиммат бўлмаган, лекин самарали технологияларга урғу берилган, тоғ ёнбағирларида террасалар барпо этиш ва ёмғир сувини йиғиш тизимларини қўллаш орқали тупроқ эрозияси кескин камайтирилган.

Умуман олганда, Ўзбекистонда сўнгги йилларда Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш ва экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган давлат дастурлари, лойиҳалар ҳамда қонунчилик механизмлари жорий қилиниши натижасида атмосферага чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар миқдори камайган, аҳоли орасида касалланиш даражаси сезиларли даражада тушган.

Бу аҳоли яшаш жойларини тарк этишини олдини олишда ҳам ижобий натижа берган, флора ва фаунанинг био хилма-хиллиги бироз ортган, сут эмизувчилар ва ҳашаротлар турлари ҳам кўпая бошлаган.

Айниқса, ижтимоий-иқтисодий соҳада ижобий факторларнинг яратилиши, экологиянинг яхшиланиши тадбиркорлик соҳасида ҳам ўсиш динамикасига ижобий таъсир ўтказган.

**Демократик жараёнларни
таҳлил қилиш маркази**